ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ КАРОРИ

211 Ўзбекистон Республикасининг Мулкни бахолаш миллий стандарти (12-сон МБМС) «Солиқ солиш мақсадида ялпи бахолаш усуллари билан кучмас мулк қийматини бахолаш»ни тасдиқлаш туррисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 8 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2359

(2012 йил 18 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Бахолаш фаолияти тўгрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 208-модда) Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 апрелдаги ПҚ—843-сонли «Бахоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўгрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2008 й., 18-сон, 145-модда) мувофик Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

- 1. Ўзбекистон Республикасининг Мулкни бахолаш миллий стандарти (12-сон МБМС) «Солиқ солиш мақсадида ялпи бахолаш усуллари билан кучмас мулк қийматини бахолаш» иловага мувофиқ тасдиқлансин.
- 2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат руйхатига олинган кундан бошлаб ун күн утгач күчга киради.

Раис в. б.

А. АБДУХАКИМОВ

Тошкент ш., 2012 йил 25 март, 01/19-18/06-сон 19 (519)-сон — 35 — 211-модда

Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш Давлат кумитасининг 2012 йил 25 мартдаги 01/19-18/06-сонли қарорига ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасининг Мулкни бахолаш миллий стандарти (12-сон МБМС) «Солиқ солиш мақсадида ялпи бахолаш усуллари билан күчмас мүлк қийматини бахолаш»

Мазкур Мулкни баҳолаш миллий стандарти (12-сон МБМС) Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўгрисида» ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сон, 208-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 апрелдаги ПҚ—843-сонли «Баҳоловчи ташкилотлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг масъулиятини ошириш тўгрисида» ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 18-сон, 145-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикасидаги баҳолаш фаолиятининг норматив жиҳатдан тартибга солинишини белгилайди.

I боб. Умумий қоидалар

- 1. 12-сон МБМСнинг мақсади кучмас мулк объектларини ялпи бахолашдан утказиш тартибини белгилашдан иборат.
 - 2. 12-сон МБМСнинг асосий вазифалари:

бахоловчилар ва кучмас мулкка булган хукукларни давлат руйхатидан утказишни амалга оширувчи органнинг мазкур стандарт ва бахолаш фаолиятини тартибга солувчи бошка норматив-хукукий хужжатларда белгиланган солик солиш максадида ялпи бахолаш усуллари билан кучмас мулк кийматини бахолашдан утказиш тушунчалари ва коидаларидан фойдаланишларидаги харакатларининг хамжихатлигини таъминлаш;

бахолашнинг холислиги ва сифатини оширишга кумаклашишга қаратилган тартиб-таомилларни белгилаш;

бошланғич ахборот, баҳолаш тӱғрисидаги ҳисобот мазмуни ва материални баён этишга нисбатан баҳолаш тӱғрисидаги ҳисоботлар ҳар ҳил талқин ҳилинишини истисно этадиган ягона талабларни белгилаш;

мулкни баҳолашнинг самарали миллий тизимини шакллантиришга кумаклашишдан иборат.

3. 12-сон МБМСда назарда тутилган ялпи бахолаш усулларидан объектлар тавсифлари микдори чекланган кучмас мулк объектларининг гурухлари учун фойдаланилади.

II боб. Атамалар ва тушунчалар

4. 12-сон МБМСда қуйидаги атамалар ва тушунчалар қулланилади:

аналог — асосий иқтисодий, жисмоний ва бошқа тавсифларга кура баҳолаш объектига уҳшаш, нарҳи уҳшаш шартларда туҳилган битимдан ёки рақобатли боҳорда қилинган таклифдан маълум бӱлган бошқа объект;

базавий қиймат — ялпи баҳолашнинг назарда тутилган усулларидан фойдаланилган ҳолда олинган баҳолаш объектининг унга нисбатан нархни шакллантирувчи коэффициентларни қуллашдан аввалги қиймати;

буюртмачи — кучмас мулкка булган хуқуқларни давлат руйхатидан утказишни амалга оширувчи орган;

конструктив таркиб — кўчмас мулк объектининг қурилиш материаллари тури кўрсатилган қурилиш элементлари (пойдевор, деворлар, поллар, пардеворлар, томи ва ҳоказо) таркиби;

ялпи баҳолаш — баҳолашнинг қабул қилинган стандарт ёндашувларидан фойдаланган ҳолда ўхшаш тавсифларга эга бўлган кўчмас мулк объектларини гуруҳлаштириш асосида баҳолаш объектининг қийматини аниҳлаш жараёни;

бозор (инвентаризация) қиймати — бахолаш объектининг 12-сон МБМСга мувофиқ аниқланган қиймати;

нархни шакллантирувчи коэффициентлар — бахолаш объектининг базавий қийматига нисбатан нархни шакллантирувчи омилларни инобатга олиб қулланадиган коэффициентлар;

нархни шакллантирувчи омиллар — нархнинг тузилиши ва даражаси шаклланадиган шарт-шароитлар. Бахолаш объектларининг қийматига жиддий таъсир қилувчи ва ишончли тарзда аниқлаш ва холисона ўлчаш мумкин бўлган кўрсаткичлар.

III боб. Қулланиш сохаси

5. Кўчмас мулк қийматини ялпи бахолаш усуллари билан аниқлашда куйидагилар умумий майдонининг 1 квадрат метри бахолаш объекти хисобланади:

жисмоний шахсларга тегишли булган нотурар жой мақсадидаги кучмас мулклар;

турар жой мақсадидаги кучмас мулклар (квартиралар, якка тартибдаги уй-жойлар, фукароларнинг доимий яшаши учун мулжалланган бошқа турар жой бинолари).

- 6. 12-сон МБМС бахоловчи ташкилотлар, бахоловчилар ва бахолаш хизматлари буюртмачилари учун мулжалланган ва кучмас мулкни ялпи бахолаш усуллари билан бахолаш буйича хизматлар курсатилишида мажбурий кулланилиши лозим.
- 7. 12-сон МБМС нормалари ва талаблари, шунингдек улар асосида олинган натижалардан ушбу стандартда белгиланмаган мақсадларда фойдаланишга



19 (519)-сон — 37 — 211-модда

йўл қуйилмайди, агарда қонун хужжатларида бошқача қоида белгиланган булмаса.

8. 12-сон МБМСни қуллашда мазкур 12-сон МБМС иловасида келтирилган Услубий курсатмаларга риоя қилиш лозим.

IV боб. Бухгалтерия хисоби стандартлари билан алоқадорлиги

- 9. Ялпи бахолашдан ўтказишда бухгалтерия хисобининг миллий ва халқаро стандартларидан фойдаланилмайди. Шунингдек, молиявий хисоботларни тузиш мақсадлари учун кўчмас мулк қийматини бахолаш тартиб-таомиллари кўчмас мулкни ялпи бахолаш тартиб-таомиллари билан боглиқ бўлиши мумкин эмас.
- 10. Кучмас мулкнинг солиқ солиш мақсадида ялпи бахолаш усуллари билан аниқланган қиймати шу кучмас мулкнинг молиявий хисоботлар учун белгиланган тартибда аниқланган қийматидан жиддий фарқ қилиши мумкин.
- 11. Баҳолаш амалиётидаги «эскириш» атамаси таърифини бухгалтерия хисобида фойдаланиладиган (ҳисобланган амортизация) ўхшаш атамадан маъно жиҳати буйича фарқлаш зарур. Шу муносабат билан баҳоловчилар «эскириш» ёки «ҳисобланган эскириш» атамаларини Узбекистон Республикасининг Мулкни баҳолаш миллий стандарти (1-сон МБМС) «Баҳолашнинг умумий тушунча ва принциплари»да (руйҳат раҳами 1604, 2006 йил 24 июль) (Узбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари туплами, 2006 й., 30-сон, 302-модда) акс эттирилган мол-мулкни баҳолашнинг умумий тушунча ва принципларидан келиб чиҳиб қуллашлари лозим.

V боб. Стандарт талаблари

12. Бахоловчи учун 12-сон МБМСнинг талаби ялпи бахолашнинг қуйидаги босқичларига риоя қилишдан иборат:

бахолаш тўгрисидаги вазифани белгилаш ва бахолаш объектининг қийматини бахолаш тўгрисида шартнома тузиш;

ахборот йигиш ва уни тахлил қилиш;

бахолаш ёндашувлари ва усулларини қўллаш;

хисоблашни ўтказиш ва бахолаш объектининг якуний қийматини аниқлаш;

бахолаш тўгрисидаги хисоботни тузиш.

13. Буюртмачи учун 12-сон МБМСнинг талаби қуйидагилардан иборат: баҳоловчи билан биргаликда баҳолаш тўғрисидаги вазифани белгилаш ва баҳолаш объектининг қийматини баҳолаш тўғрисида шартнома тузиш;

бахоловчига зарур дастлабки ахборотни такдим қилиш;

муайян кучмас мулк объектининг бозор (инвентаризация) қийматини

бахолаш объектининг бахоловчи томонидан аникланган базавий қийматига нархни шакллантирувчи коэффициентларни қуллаш орқали хисоблаш.

1-§. Бахолаш тўгрисидаги вазифани белгилаш ва бахолаш объектининг қийматини бахолаш тўгрисида шартнома тузиш

14. Бахолаш тўгрисидаги вазифа буюртмачи томонидан бахоловчи ташкилот билан биргаликда тузилади ва бахолаш объектини бахолаш тўгрисидаги шартномага илова сифатида расмийлаштирилади. Бахолаш тўгрисидаги вазифа куйидагилардан иборат бўлиши лозим:

кучмас мулк объектининг номи ва қисқача тавсифи;

географик жихатдан жойлашган ери (маъмурий тумани);

буюртмачининг номи ва унинг реквизитлари;

бахоловчи ташкилотнинг номи ва унинг реквизитлари;

бахолашни ўтказиш учун асослар;

баҳолаш мақсади (вазифаси) ва баҳолаш натижаларидан фойдаланиш муҳлжали;

бахолаш санаси;

бахолаш мақсадига мувофиқ бўлган аниқланаётган қиймат тури;

эхтимоллар ва чекловчи шартлар (мавжуд булганда);

буюртмачи томонидан тақдим қилиниши лозим булган дастлабки ахборот руйхати;

бахолаш ишларини ўтказиш муддатлари.

Баҳолаш тўғрисидаги вазифа қўшимча шартларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

15. 12-сон МБМС мақсадлари учун баҳолаш объектининг баҳоловчи томонидан 12-сон МБМСга мувофиқ аниқланган базавий қийматига нисбатан нархни шакллантирувчи коэффициентларни қуллаш орқали ҳисобланган бозор (инвентаризация) қиймати аниқланади.

2-§. Ахборот йигиш ва уни тахлил қилиш

16. Ахборотни йигиш ва уни тахлил қилиш қуйидагиларни олиш ва ўрганишдан иборат:

намунавий ва якка тартибдаги лойихалар буйича қурилган кучмас мулк объектлари буйича ҳужжатлар;

кўчмас мулк объектларининг тузилиши тўгрисидаги маълумотлар;

кўчмас мулк объектларининг конструктив таркиби тўгрисидаги маълумотлар;

кучмас мулк объектларидан фойдаланиш тури хакидаги ахборот;

кучмас мулк объекти мансуб булган бозорнинг холати ва динамикаси хакидаги ахборот;

бошқа ахборот.

17. Ялпи бахолашни ўтказиш жараёнида буюртмачи томонидан қуйидагилардан иборат барча дастлабки ахборот такдим қилинади:

кучмас мулк объектининг техник ва конструктив (конструктив элементлар таркиби, курилиш тури, қаватлари ва бошқалар) тавсифларини уз ичига олувчи хужжатлар:

кўчмас мулк объектининг географик жиҳатдан жойлашган ери тўғрисидаги (иқтисодий зонаси тўғрисидаги) маълумотлар;

бинолар ва иншоотларнинг микдор ва техник тавсифлари, худудларнинг ободончилиги ва мухандислик коммуникациялари тўгрисидаги ахборот;

кучмас мулк объектининг ёши ва охирги қайта тикланиши (капитал ва/ ёки жорий таъмирланиши) туррисидаги маълумотлар;

кучмас мулк объекти таркибида баҳоланиши лозим булган мулк турисидаги маълумотлар (мавжуд булганда);

кўчмас мулк объектидан фойдаланиш тури тўгрисидаги маълумотлар, шунингдек турар жой кўчмас мулк объектининг намунавий параметрлари тўгрисидаги ахборотни ўз ичига олувчи хужжатлар;

якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган, шунингдек, нотурар жой мақсадидаги кучмас мулк объектлари остида жойлашган ер участкалари туррисидаги маълумотлар (улчами, шакли ва х. к.).

- 18. Кўчмас мулкнинг барча гурухлари учун, шунингдек, кўчмас мулк объектлари билан битимлар тўгрисидаги маълумотларни (санаси, нархи, нархни шакллантирувчи омиллари, ахборот манбаси ва бошқаларни) йигиш амалга оширилади.
- 19. Бахоланиши лозим бўлган барча объектлар бўйича кўшимча ахборотни йигиш бахоловчи томонидан бозорни хамда кўчмас мулк объектларининг жисмоний ва хукукий тавсифларига доир ахборот манбаларини ўрганиш асосида амалга оширилади.
 - 20. Объектни бахолашда қуйидагилардан фойдаланилиши мумкин: буюртмачидан олинган дастлабки ахборот;

ишларни бажаришга жалб қилинган учинчи шахслардан олинган, уларнинг имзолари билан тасдиқланган ахборот;

ихтисослаштирилган ташкилотларнинг (тармоқ, таҳлилий шарҳлар, кӱчмас мулк бозори шарҳлари), шу жумладан оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида чоп этилган статистика маълумотлари;

бошқа ахборот (сўров, интервью натижалари бўйича ва бошқа манбалардан олинган), бунда ушбу ахборотдан фойдаланганлик учун жавобгарлик баҳоловчига юкланади.

21. Баҳолаш жараёнида фойдаланиладиган ахборот баҳоловчи томонидан баҳолаш учун зарур бӱлган нархни шакллантирувчи омилларни аниқлаш учун ишончли ва етарли бӱлиши лозим.

Буюртмачи томонидан тақдим қилинган, шунингдек ишларни бажаришга жалб қилинган учинчи шахслардан олинган ахборот, агарда у ахборотни тақдим қилган ташкилотнинг рахбари томонидан имзоланган ва мухри билан тасдиқланган тақдирда ишончли ҳисобланади, тегишли манбалар ҳаволасига эга булиши лозим булган бахоловчи томонидан оммавий ахборот воситалари, Интернет тармоги, суров, интервью натижалари буйича ва бошқа ухшаш манбалардан олинган ахборот бундан мустасно.

- 22. Бахоловчи, агарда буюртмачи томонидан такдим этилган дастлабки ахборот ҳажми ва сифати 12-сон МБМС талабларига мувофик баҳолашни амалга ошириш ва баҳолаш тӱғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш учун етарли бӱлмаса, баҳолаш бӱйича ишларни бажаришдан бош тортишга ҳақли.
- 23. Бахолашни ўтказишда бахоловчига маълум бўлган барча ахборот ва хужжатлардан сир тутиш шартлари билан қонун хужжатлари талабларини инобатга холда фойдаланилиши лозим.

3-§. Бахолаш ёндашувлари ва усулларини куллаш

- 24. Ялпи бахолаш усулларидан фойдаланиб бахолаш объектининг қийматини аниқлашда кўчмас мулк объектлари бозори тўгрисидаги ахборот, нархни шакллантирувчи омиллар таркиби хамда хар бир турдаги объектлар учун бахолаш объектларининг нархни шакллантирувчи омиллари ахамиятлари тўгрисидаги маълумотларни тахлил қилиш асосида барча кўчмас мулк объектлари гурухларга бўлинади.
- 25. Бахолаш объектининг қийматини ялпи бахолаш усуллари билан ҳисоблаш ялпи баҳолаш принциплари ва усулларини қуллаган ҳолда қиёсий ва харажат ёндашувларидан фойдаланилган тарзда амалга оширилади.

Бирор-бир ёндашувдан фойдаланишнинг имконсизлиги ёки чекланганлигини бахоловчи бахолаш тўгрисидаги хисоботда тегишли далилларни келтирган холда асослаб бериши лозим.

26. Қиёсий ёндашув битимларнинг бозор нархларини ва (ёки) агарда улар мавжуд бўлмаганда бахолаш объекти билан солиштирилаётган (ўхшаш бўлган) объектларга таклиф қилинган нархларни такқослашга асосланган.

Аналогларни танлаш уларнинг бахолаш объекти билан жисмоний ва иқтисодий тавсифлари буйича ухшашлиги асосида амалга оширилади.

27. Ялпи бахолашда қиёсий ёндашув ўртача олинган қиймат усули ёрдамида амалга оширилади.

Усулни қўллаш асосий нархни шакллантирувчи омиллари бўйича ўхшаш бўлган кўчмас мулк объектларининг муайян гурухи учун ўртача олинган қийматни аниқлашдан иборат.

- 28. Кучмас мулк объектларини қиёсий усул билан ялпи баҳолашда аналогларнинг нархи сифатида баҳолаш объектининг ҳисоб бирлиги, яъни объект умумий майдонининг бирлиги учун нархдан фойдаланилади.
- 29. Аналог объектларнинг умумий майдони бирлиги учун нарх бахолаш объектидан уларнинг фаркланишига қараб тузатилиши лозим.
- 30. Баҳолаш объектини ялпи баҳолашда харажат ёндашуви жамланган эскириш ҳисобига қадрсизланишини инобатга олиб эквивалент объектнинг тикланиши учун зарур булган харажатларни аниқлашга асосланган.

19 (519)-сон — 41 — 211-модда

- 31. Баҳолаш объектини ялпи баҳолашда базис-индекс усулини қуллаш билан ҳаражат ёндашуви амалга оширилади.
- 32. Бахолаш объектини базис-индекс усули билан бахолаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

кучмас мулк объектининг тикланиш қиймати бинолар ва иншоотларни тикланиш қийматининг йириклаштирилган курсаткичлари ёки бахолаш санасидаги нархларни қайта ҳисоблашдаги лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида аниқланади;

кучмас мулк объектининг иктисодий ҳаёти асосида жамланган эскиришнинг катталиги аникланади;

кучмас мулк объектининг қайта тикланиш қийматидан жамланган эскириш қиймати курсаткичини айириш ва кейинчалик кучмас мулк объектининг 1 квадрат метрини ҳисоблаш орқали баҳолаш объектининг харажат ёндашуви билан аниқланган қиймати ҳисобланади.

4-§. Турли ёндашувлар доирасида олинган бахолаш натижаларини мувофиклаштириш ва бахолаш объектининг базавий кийматини аниклаш

- 33. Баҳолаш объектининг базавий қиймати баҳолашда турли ёндашувлар (усуллар) билан олинган натижаларни мувофиклаштириш орқали қийматнинг ягона миқдори куринишида ифодаланади.
- 34. Мувофиклаштириш баҳолашнинг турли ёндашувлари билан олинган натижаларга ушбу 12-сон МБМСнинг Услубий курсатмаларида белгиланган тартибда аниқланадиган тегишли улчов коэффициентларини қуйиш орқали амалга оширилади.
- 35. Турли ёндашувлардаги ҳисоб-китоблар якунлари буйича олинган баҳолаш натижаларида жиддий (30 фоиздан ортиқ) тафовутлар мавжуд булганда баҳолашнинг энг юқори натижасидан ушбу тафовутнинг сабаблари таҳлил қилинади, ва баҳолаш тӱрисидаги ҳисоботда акс эттирилади ҳамда мувофиқлаштириш учун баҳоловчининг фикрига кӱра энг ишончли натижалар танлаб олинади.

Бахоловчи қўлланилган бахолаш ёндашувлари (усуллари) натижаларини мувофиклаштиришдан бош тортишга ва базавий киймат сифатида ёндашувлардан бирининг натижасини тавсия этишга ҳақли. Ўзининг рад жавобини баҳоловчи баҳолаш тўгрисидаги ҳисоботда акс эттириши ва асосли далилларни келтириши лозим.

36. Ялпи бахолаш индивидуал бахолашдан кўра бахолаш объектининг кийматини аниклашнинг унча аник бўлмаган воситаси бўлганлиги сабабли бахолаш объектининг базавий кийматига нисбатан, шунингдек ушбу 12-сон МБМС нинг Услубий кўрсатмаларида келтирилган дисконтлаш коэффициентини (ялпи бахолашдаги хатоликларни инобатга олувчи кийматни пасайтириш коэффициенти) кўллаш зарур.

5-§. Бахолаш тўгрисидаги хисоботни тузиш

- 37. Баҳолаш тўгрисидаги ҳисобот баҳоловчининг профессионал фикридан иборат ва баҳолаш объектининг базавий ҳийматини аниҳлаш буйича ўтказилган ишнинг ҳужжатли тасдиги ҳисобланади.
- 38. Бахолаш тўгрисидаги хисобот бахоловчи томонидан ўтказилган хисобкитобларнинг бутун кетма-кетлиги мантигини ундан фойдаланувчи тушуна оладиган ва такрорлай оладиган тарзда тузилиши лозим. Шунингдек, бахолаш тўгрисидаги хисоботнинг фойдаланувчиси зарур холларда мустакил равишда объектнинг кийматини хисоботда келтирилган маълумотлардан келиб чиққан холда хисоблай олиш имконига эга бўлиши лозим.
- 39. Бахолаш тўгрисидаги хисоботда бахолаш объекти тўгрисидаги барча ахборотлар, бахолаш жараёнида фойдаланилган барча ахборотлар тавсифи, ўтказилган тахлил ва хисоб-китобларнинг боскичлари, олинган натижаларнинг асосланиши, 1 квадрат метрнинг базавий киймати, бахолаш базасининг тасдиги, бахолашнинг максади, шунингдек бахолаш натижаларини тўлик ва бир хил талкин килинишини таъминловчи барча эхтимоллар ва чекловчи шартлар бўлиши лозим.
- 40. Хисобот фақат баҳолаш жараёнидаги ҳисоб-китоблар ва таҳлил ҳилишда фойдаланилган ахборот ва маълумотлардан иборат булиши лозим.

Баҳолашни ўтказишда ҳисоб-китоблар натижасида фойдаланилган ёки олинган ахборот ўз ичига ахборот манбасига ҳаволалар билан бирга келтирилиши лозим.

41. Бахолаш тўгрисидаги хисобот куйидаги тузилишга эга бўлиши лозим:

титул варағи;

мундарижа;

кузатув хати (умумлаштирувчи қисм);

қисқартмалар, шартли белгилар, символлар, бирликлар ва атамалар рӱйхати;

кириш;

асосий кисм;

хулоса;

фойдаланилган манбалар руйхати;

иловалар.

- 42. Баҳолаш тўгрисидаги ҳисобот раҳамланган ва баҳоловчи (баҳоловчилар) томонидан саҳифама-саҳифа имзоланган, тикилган, шунингдек баҳоловчи ташкилот раҳбарининг муҳри ва имзоси билан тасдиҳланган бўлиши лозим.
- 43. Бахолаш тўгрисидаги хисоботнинг иловаси бахоловчи томонидан фойдаланилган ва бахолаш объектининг микдор ва сифат тавсифларини белгиловчи хужжатларнинг нусхаларидан иборат бўлиши лозим.
- 44. Иловада бахоловчи ташкилот лицензияси, бахоловчиларнинг малака сертификатлари ва фукаролик жавобгарлиги суғурта полисининг нусхалари ҳам келтирилиши лозим.



19 (519)-сон — 43 — 211-модда

- 45. Баҳолашни ўтказишдаги айрим ҳисоб-китоблар иловага баҳолаш тўгрисидаги ҳисоботдаги ушбу ҳисоб-китобларга ҳаволаларни кўрсатган ҳолда чиҳарилиши мумкин.
- 46. Баҳоловчи ташкилот баҳолашнинг баҳолаш тӱғрисидаги ҳисоботда акс эттирилган натижалари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бӱлади.

Бахоловчи ташкилот курилган зарарлар ёки бахолаш объектининг суд томонидан бахолаш туррисидаги хисоботда акс эттирилган киймат ишончли эмас деб топилганлиги учун, агар улар бахолаш буюртмачиси ёки учинчи шахслар томонидан ишончсиз ахборот берилиши окибатида вужудга келган булса, жавобгар булмайди.

VI боб. Кучмас мулк объектининг бозор (инвентаризация) қийматини хисоблаш

- 47. Муайян кўчмас мулк объектининг бозор (инвентаризация) қиймати кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органлар томонидан мультипликатив модел асосида баҳолаш объектининг баҳолаш тўгрисидаги ҳисоботда кўрсатилган базавий ҳийматига нисбатан ушбу 12-сон МБМС нинг Услубий кўрсатмалари иловасида келтирилган нархни шакллантирувчи коэффициентларни ҳўллаш билан аниҳланади.
- 48. Нархни шакллантирувчи коэффициентлардан кучмас мулк объектининг турига қараб қулланилади.

VII боб. Ахборотни ошкор этишга қуйиладиган талаблар

- 49. Бахолаш жараёнида фойдаланилган барча ахборот (махфий хусусиятга эга бўлгани бундан мустасно) бахолаш тўгрисидаги хисоботда, улар бахоловчи томонидан кандай йўсинда тўпланган бўлса, шундай кўриниш ва таркибда очиб берилади.
- 50. Махфий тусдаги ахборот бахоловчи томонидан фақат буюртмачи ва (ёки) бундай ахборотни тақдим қилган шахслар билан келишув буйича ёки суднинг тегишли ҳал қилув қарорига биноан ошкор этилади. Фойдаланила-ётган ахборотнинг махфийлик даражаси буюртмачи ва (ёки) бундай ахборотни тақдим этувчи ёки унга бевосита алоқадор булган шахслар томонидан белгиланади.
- 51. Бахолаш тўгрисидаги хисоботда барча эхтимоллар ва чекловчи шартлар, шунингдек ахборотни ошкор этишга қўйиладиган хар қандай талаблар очиб берилади.
- 52. Бахолаш тўгрисидаги хисобот, шунингдек бахоловчининг бахолаш фаолияти тўгрисидаги конун хужжатлари нормаларига, мазкур стандартга ва қабул қилинган бошқа мулкни бахолаш стандартларига риоя қилинганлиги хақидаги баёнотдан иборат бўлиши, стандартларнинг талабларидан хар

211-модда — 44 — 19 (519)-сон

қандай четга чиқиш кўрсатилиши ва бундай четга чиқишга тушунтириш берилиши лозим.

VIII боб. Стандартдан четга чикиш шартлари

- 53. 12-сон МБМСнинг нормалари ва талабларини қуллашдаги ҳар қандай четга чиқишларга йул қуйилмайди, бундай четга чиқишлар қонун ҳужжатларида алоҳида ҳолатлар учун ва/ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.
- 54. Бахоловчи қонун хужжатларига мувофиқ ушбу 12-сон МБМСнинг талабларига қисман ёки тулиқ риоя қилишга қодир булмаса, бахоловчи бахолаш объектининг базавий қийматини аниқлаш буйича мос келувчи хисобларни ва бахолашнинг тегишли тартиб-таомилларини амалга ошириши лозим.

Бахолаш тўгрисидаги хисоботда белгиланиши лозим бўлган қийматни кўрсатиш ва аниқлаш билан бир қаторда 12-сон МБМСнинг талабларидан четга чиқишларнинг сабабларини далиллар билан исботлаши ва асослаб бериш зарур.

- 55. Ялпи бахолаш усулларида хисобланган муайян кўчмас мулк объектининг қийматига оид вужудга келадиган низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда бахолаш тўгрисидаги хисоботнинг ишончлилиги экспертизасини ўтказиш ёхуд Ўзбекистон Республикаси Мулкни бахолаш миллий стандарти (10-сон МБМС) «Кўчмас мулк қийматини бахолаш»га (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2009 йил, 47-сон, 511-модда) мувофиқ амалга оширилган ушбу кўчмас мулкни индивидуал бахолаш асосида ҳал қилиниши мумкин.
- 56. Мазкур Мулкни бахолаш миллий стандарти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик кумитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри буйича давлат кумитаси, Ўзбекистон бахоловчилар жамияти ва Ўзбекистон бахоловчи ташкилотлар ассоциацияси билан келишилган

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

2012 йил 25 март

Давлат солиқ қўмитаси раиси

Б. ПАРПИЕВ

2012 йил 25 март

19 (519)-сон — 45 — 211-модда

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри бўйича давлат қўмитаси раиси С. АРАБОВ

2012 йил 25 март

Ўзбекистон бахоловчилар жамияти раиси

Н. МИРЗАРАХИМОВА

2012 йил 25 март

Ўзбекистон бахоловчи ташкилотлар ассоциацияси раиси в.в.б.

А. ИСЛАМОВ

2012 йил 25 март

Ўзбекистон Республикасининг Мулкни бахолаш миллий стандарти (12-сон МБМС) «Солиқ солиш мақсадида ялпи бахолаш усуллари билан кўчмас мулк қийматини бахолаш»га ИЛОВА

12-сон МБМС «Солиқ солиш мақсадида ялпи бахолаш усуллари билан кўчмас мулк қийматини бахолаш»ни қўллаш бўйича УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР

Мазкур 12-сон МБМСни қўллаш бўйича Услубий кўрсатмалар (кейинги ўринларда услубий кўрсатмалар деб юритилади) 12-сон МБМСни амалда қўллаш мақсадида ишлаб чиқилган.


I боб. Атамалар ва тушунчалар

1. Услубий курсатмаларда қуйидаги атамалар ва тушунчалардан фойдаланилади:

географик жойлашган ери — кўчмас мулк гурухларини маъмурий туманга киритиш;

жамланган эскириш — кўчмас мулк объекти қийматининг, ушбу кўчмас мулкдан фойдаланиш даври мобайнида тўпланган эскириши билан боғлиқ умумий йўқотилиши (қадрсизланиши);

солиштириш элементлари ва бирликлари — кучмас мулк объектлари (аналоглар) билан тузиладиган битимлар нархларига энг мухим тарзда таъсир қилувчи холисона назорат қилинувчи омиллар;



иктисодий зонаси — худуд (минтака)ни худудларнинг иктисодий ривожлантирилишини режалаштиришда шаҳарсозлик тусидаги объектлар нархлари даражаси ва улардан фойдаланишдаги чекловлар буйича зоналарга белгиланган бўлиниши.

II боб. Бахолаш тўгрисидаги вазифани белгилаш ва бахолаш объектининг қийматини бахолаш тўгрисида шартнома тузиш

- 2. Бахолаш тўгрисидаги вазифа буюртмачи томонидан бахоловчи ташкилот билан биргаликда аникланади ва тузилади. Бахолаш тўгрисидаги вазифа бахолаш объектини бахолашнинг асосий шартларини, шунингдек бахолашдан ўтказишнинг чекловчи шартларини ўз ичига олади.
 - 3. Бахолаш тўгрисидаги вазифа куйидаги шаклда тузилади:

Бахолаш объекти (номи ва кискача тавсифи)	
Бахолаш объектининг географик жойлашган ери	
Бахолаш объектининг иктисодий зонаси	
Буюртмачи ва унинг реквизитлари	
Бахоловчи ташкилот ва унинг реквизитлари	
Баҳолашдан ўтказиш учун асос	
Бахолаш объектининг асосий конструктив элементлари	
Баҳолашнинг мақсади ва вазифалари (баҳолашни тайинлаш)	
Аниқланаётган қиймат тури	
Эҳтимоллар ва чекловчи шартлар (мавжуд бўлганда)	
Бахолаш санаси	
Баҳолашдан ўтказиш жадвали (муддатлари)	
Буюртмачига бахолаш тўгрисидаги хисоботни такдим этиш санаси	
Дастлабки ҳужжатлар тўплами	

Бахолаш объектининг хусусиятларига хамда буюртмачининг талабларига қараб бахолаш тўгрисидаги вазифа қўшимча шартларга эга бўлиши мумкин.

4. Бахолаш тўгрисидаги вазифа буюртмачи ва бахоловчи ташкилот рахбари томонидан имзоланади, тарафларнинг мухри билан тасдиқланади ва бахолаш объектини бахолаш тўгрисидаги шартномага илова тарикасида расмийлаштирилади.

III боб. Ахборотни йигиш ва уни тахлил қилиш

5. Ахборотни йигиш қуйидаги тартибда амалга оширилади: зарур маълумотлар таркиби аникланади; ахборот манбалари руйхати шакллантирилади; зарур ахборотни йигиш амалга оширилади; йиғилган ахборот тизимланади, қайта ишланади ва тахлил қилинади; барча йигилган ахборот мазмуни бахолаш тўгрисидаги хисоботда тавсифланади.

6. Баҳоловчи баҳолашни ўтказиш учун зарур бўлган ахборотни йигишни амалга оширади, кўчмас мулк объектининг микдор ва сифат кўрсаткичларини ўрганади, баҳолаш объектининг қийматини аниқлаш учун муҳим бўлган ахборотни, шу жумладан:

географик жойлашган ери ва иктисодий зонаси тўгрисидаги ахборот;

кучмас мулк объекти ту́грисидаги ахборот, шу жумладан фойдаланиш тури (турар жой/нотураржой бу́лган ку́чмас мулк) ҳақидаги маълумотлар, объектдан жорий фойдаланиш ҳақидаги, объектнинг жисмоний ҳусусиятлари, унинг техник ва фойдаланишга оид тавсифлари, қурилган йили, қаватлари, ер участкаси (ер участкаси мавжуд бу́лганда), қадрсизланиши ва эскириши ҳақидаги ахборот;

бахолаш объекти мансуб булган бозордаги талаб ва таклиф тургисидаги ахборот;

баҳоланаётган объект (унинг аналоглари)га доир битимлар ҳақидаги ахборотни баҳолашни ўтказишда қулланилиши лозим булган ёндашувлар ва усуллар ёрдамида таҳлил қилишни амалга оширади.

- 7. Буюртмачи томонидан тақдим қилинадиган дастлабки ахборотга 12-МБМСда курсатилган маълумотлар киритилади. Баҳоловчи ташкилотнинг сурови буйича буюртмачи томонидан баҳолаш учун зарур булган бошқа ахборот тақдим қилинади.
- 8. Бахоловчи йигилган (буюртмачидан олинган) дастлабки ахборотга эга булган холда буюртмачининг вакили билан такдим килинган хужжатлар тахлил килинишини амалга оширади.
- 9. Баҳолаш жараёнида фойдаланиладиган ахборот турлича шарҳланадиган булиши мумкин эмас, баҳоловчига энг муҳим нарҳни шакллантирувчи омилларни аниҳлаш ва баҳолаш объектининг базавий ҳиймати тӱгрисида асосли ҳулоса ҳилиш имкониятини таъминлаши лозим.
- 10. Бахоловчи хужжатларни ўрганиш мобайнида буюртмачининг вакили билан биргаликда объектларни танлов асосида саралаш орқали бахоланаётган кучмас мулк объектларининг куздан кечирилишини амалга оширишга ҳақли.
- 11. Бахоловчининг сўрови бўйича хужжатларни такдим қилган шахс томонидан тегишли маълумотларга қўшимча маълумотномалар кўринишида аникликлар (изоҳлар) расмийлаштирилади.
- 12. Бахоловчи ахборотнинг етарли ва ишончли эканлигини бунинг учун ўзида мавжуд воситалар ва усуллардан фойдаланган холда тахлилдан ўтказиши лозим.

Тупланган ахборотни, агарда қушимча ахборотдан фойдаланиш бахолаш объекти қийматининг базавий микдорини жиддий узгаришига олиб келмаса, бахолаш мақсадлари учун етарли деб хисоблаш мумкин. Ахборот етишмовчилиги бахолаш объекти қийматини бахолашнинг якуний натижасига таъсир қилган тақдирда, бу холат бахолаш турисидаги хисоботда акс эттирилиши лозим.

- 211-модда
- 13. Баҳолаш жараёнида бевосита фойдаланиладиган ахборотдан ташқари, шунингдек баҳолаш объекти мансуб булган кучмас мулк бозорига оид ахборотни туплаш амалга оширилади. Кучмас мулк бозори сегменти туприсидаги ахборот баҳолаш объектини таҳлил қилишнинг бошқа курсаткичлари билан бир қаторда баҳолаш туприсидаги ҳисоботда келтирилади.
- 14. Тегишли ахборотни ўрганиш давомида бахоловчи ёки буюртмачига айрим бахолаш объектларининг бирор-бир авариявий холати аломатлари маълум бўлиб қолган холларда, бундай ахборот бахолаш тўгрисидаги хисоботда акс эттирилиши лозим.

IV боб. Бахолаш ёндашувлари ва усулларини қуллаш

15. Ялпи бахолашдан ўтказиш жараёни ва кўчмас мулк объектининг бозор (инвентаризация) қийматини хисоблаш икки босқичда амалга оширилади:

бахолаш объектининг базавий қийматини аниқлаш — бахоловчи ташкилотлар томонидан 12-МБМСга ва ушбу услубий курсатмаларга мувофиқ баҳолашнинг тегишли ёндашувлари ва усулларини қуллаш орқали амалга оширилади;

кучмас мулк объектининг бозор (инвентаризация) қийматини ҳисоблаш — кучмас мулкка булган ҳуқуқларни давлат руйхатидан утказилишини амалга оширувчи органлар томонидан баҳолаш объектининг базавий қийматига нисбатан нархни шакллантирувчи коэффициентларни қуллаш орқали амалга оширилади.

16. Кучмас мулк объекти умумий майдонининг 1 квадрат метри бозор кийматини ялпи бахолаш усуллари билан бахолаш киёсий ва харажат ёндашувларини куллаш ёрдамида амалга оширилади.

1-§. Қиёсий ёндашув

- 17. Кучмас мулк объектларини ялпи бахолашда қиёсий ёндашувни уртача қиймат усули билан амалга оширилади.
- 18. Ушбу ёндашувни қуллаш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

кучмас мулк бозорини ўрганиш ва аналогларни сотиш буйича битимлар ёки таклифлар туррисидаги ахборотни йигиш;

солиштириш элементларини танлаш ва асослаш;

бахолаш объекти учун хос булган солиштириш бирликларини аниклаш:

таққосланаётган аналоглар билан баҳолаш объектини солиштириш бирлиги буйича солиштириш ва зарур булганда баҳолаш объектига нисбатан ҳар бир аналог объектнинг нархига тузатишлар киритиш;

ер участкасига булган хуқуқлар қийматини хисоблаш (ер участкаси мавжуд булганда);



аналоглар нархларининг тузатилган қийматларини ягона қийматга келтириш.

19. Бахоловчи томонидан аналогларни сотиш буйича битимлар ва/ёки таклифлар туррисидаги ахборотни йигиш буюртмачи томонидан белгиланган ва бахолаш туррисидаги вазифада курсатилган худудий (минтақа, шахар, туман, шахарча, қишлоқ ва хоказо) зона доирасида амалга оширилади.

Агарда баҳолаш тўғрисидаги вазифада маъмурий жиҳатдан бўлиниши мумкинлигини назарда тутадиган ҳудудий зона кўрсатилган бўлса, ахборотни йиғишда баҳоловчи маъмурий жиҳатдан бўлинмайдиган ҳудудлар даражасидаги (шаҳарлар, туманлар, шаҳарчалар ва ҳоказо) аналогларни баҳолаш тўғрисидаги вазифада кўрсатилган зона доирасида саралаб олишни амалга оширади.

20. Солиштириш элементлари сифатида қуйидагилар орасидан фақат нархни шакллантирувчи ва аналоглар нархига таъсир курсата олувчи хисобланадиганлари қабул қилинади:

географик жойлашган ери (маъмурий туман);

иқтисодий зонаси;

хажмли-режалаштиришга оид ва конструктив тавсифлар;

қаватлик;

қурилган йили (капитал реконструкция);

- ер участкасининг тавсифлари (ер участкаси мавжуд булганда).
- 21. Ушбу усул билан бахолашдан ўтказишда бахоловчи бахолаш объектининг якуний қийматига таъсир кўрсатувчи солиштиришнинг бошқа элементларини ҳам кўриб чиқиши мумкин. Бахоловчи буни бахолаш тўгрисидаги ҳисоботда акс эттириши ва бахолаш объектининг базавий қийматини аниқлашда инобатга олиши лозим.
- 22. Ўртача қабул қилинган қиймат усулини қуллашда аналогларнинг энг кам сони баҳолаш объектининг географик жойлашган ерига қараб турли бирликлардан иборат булади. Сотув ва/ёки таклиф нархлари туррисидаги ахборотнинг энг кам ҳажми аналоглар буйича жойлашган ерига қараб қуйидаги тартибда тақсимланади:

агар баҳолаш объекти қишлоқ жойида, тоғли туманларда, бошқа узоқ ва бориш қийин булган туманларда жойлашган булса (шу жумладан ҳар ҳил турдаги шаҳарчалар) — камида 4 та аналоглар;

агар баҳолаш объекти туман марказида ёки туманга буйсунадиган шаҳарда жойлашган булса — камида 6 та аналоглар;

агар баҳолаш объекти вилоят марказида ёки вилоятга буйсунадиган шаҳарда жойлашган булса — камида 8 та аналоглар;

агар баҳолаш объекти Тошкент шаҳрида жойлашган булса — камида 10 та аналоглар.

23. Ялпи бахолаш стандарт ва бут холатда булган бахолаш объектларининг базавий қийматини аниқлашни назарда тутади. Шу муносабат билан аналогларни стандарт холатлардан четга чиққан холда танлаш холларида (масалан, кучмас мулк таркибида қушимча ускуна мавжудлиги ёки қушим-

ча қурилишларнинг мавжудлиги, намунавий планировкаларидаги ўзгаришлар ва х. к.) бахоловчи аналоглар бўйича битимлар ва/ёки таклифларнинг нархларига тегишли тузатишлар киритиши лозим.

24. Тузатишлар фоиз ва қиймат ўлчамлари кўринишида киритилади.

Фоизли тузатишлар аналогнинг сотув (ёки таклиф) нархини аналог ва бахолаш объектининг тавсифларидаги тафовутлар даражасини акс эттирувчи тузатув коэффициентига купайтириш йули билан киритилади.

Қийматли тузатишлар аналогнинг сотув (ёки таклиф) нархини аналог ва бахолаш объектининг тавсифларидаги тафовутлари бахоланаётган муайян суммага ўзгартириш йўли билан киритилади. Қийматли тузатишлар солиштириш бирлиги нархига ёки аналогнинг яхлит нархига киритилади.

Солиштирилаётган объектларнинг тузатилган сотув нархлари якуний киймати бир-бирига мос келмаслиги мумкин. Шу сабабли, тузатилган сотув нархини танлаш тузатишлар киймати ёки микдори энг кам булган аналогнинг (аналогларнинг) тузатилган нархидан фойдаланишга асосланади.

Тузатишлар ҳар бир солиштириш элементи буйича аналог нархининг олдинги тузатилган қийматига нисбатан алоҳида киритилади. Бунда фоизли тузатишлар биринчи булиб, кейин эса қийматли тузатишлар киритилади.

25. Кучмас мулк объектларини ялпи бахолашда аналог ва бахолаш объекти учун солиштириш бирлиги сифатида кучмас мулкнинг 1 квадрат метридан фойдаланилади.

Кучмас мулкнинг 1 квадрат метридан фарқ қиладиган аналог объектларнинг сотув ва/ёки таклиф нархлари буйича солиштириш бирликлари (объект, уй, квартира, хона учун нарх, 1 куб метр учун ва ҳ. к.) тегишлича қайта ўзгартирилиши лозим.

- 26. Аналоглар нархларига тузатишлар киритилиши якунлари буйича ҳар бир аналог буйича солиштириш бирлигининг тузатилган нархи аниқланади ва барча олинган (тузатилган) натижалар ягона қиймат баҳосига келтирилади.
- 27. Ер участкасидан фойдаланиш хукуқлари қиймати капитализация ставкаси бахолаш санасида амалда булган Узбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасининг 1/4 га баробар булганда тегишли ер солиғи ставкасини капиталлаштириш йули билан аниқланади.

Кейинчалик ер участкасидан фойдаланиш хуқуқларининг хисобланган қиймати, мулкдор томонидан аналогнинг нархи ер участкасидан фойдаланиш хуқуқларини инобатга олган холда белгиланиши шарти билан, аналог объектларнинг нархи ва/ёки таклифидан айрилади.

28. Аналогларнинг тузатилган нархлари қийматини ва 1 кв. м нинг базавий қийматини ягона бирликдаги қийматга келтириш сотув ёки таклиф нархларига нисбатан уларга киритилган тузатишларнинг миқдорини инобатга олган ҳолда солиштирма ўлчовларни бериш йўли билан амалга оширилади.

2-§. Харажат ёндашуви

29. Солиқ солиш мақсадида бахолаш объектларини ялпи бахолашда



19 (519)-сон — 51 — 211-модда

харажат ёндашуви базавий-индекс усулини қуллаш воситасида амалга оширилади.

30. Базавий-индекс усулини қуллаш жараёнида қуйидаги ҳаракатлар тартибига риоя қилиш зарур.

Кучмас мулк объектининг тикланиш қиймати кучмас мулк тикланиш қийматининг йириклаштирилган курсаткичларига асосан аниқланади.

Намунавий қурилишдаги объектларнинг тикланиш қиймати лойиҳа-смета ҳужжатлари буйича қурилиш қиймати турисидаги маълумотлар асосида ҳам аниҳланиши мумкин.

Кучмас мулк объектининг тикланиш қиймати йириклаштирилган курсаткичлар асосида қуйидаги формулаларга мувофиқ аниқланади:

нотурар жой мақсадидаги кўчмас мулк учун:

$$\mathbf{C}_{_{\mathrm{T. K.}}} = \mathbf{S} * \mathbf{C}_{_{\mathrm{c.e.}}} * \mathbf{K}_{_{1}} * \mathbf{K}_{_{2}} * \mathbf{K}_{_{3}} * \dots \mathbf{K}_{_{n}} * \mathbf{I}_{_{1}} * \mathbf{I}_{_{2}} * \mathbf{I}_{_{3}} * \dots \mathbf{I}_{_{n}}$$
, бу ерда:

 $\mathsf{C}_{_{\scriptscriptstyle{\mathsf{T. K.}}}}$ — кўчмас мулк объектининг тикланиш қиймати;

 $S \xrightarrow{}$ кўчмас мулк объектини ўлчаш бирлиги (хажми, майдони, погон метри (узунаси) ва х. к.);

 $\mathsf{C}_{_{\mathrm{c.e.}}}$ — тикланиш қийматининг йириклаштирилган курсаткичи;

 K_1 , K_2 , K_3 , ... K_n — тузатув коэффициентлари (капиталлик гурухи, туманнинг сейсмиклик, худудий коэффициент ва х. к.);

 $I_{_1},\,I_{_2},\,I_{_3},\,\dots\,I_{_n}$ — статистика органлари томонидан аниқланган қурилиш материаллари нархларининг қимматлашиш индекслари.

турар жой мақсадидағи кўчмас мулк учун:

$$C_{\text{r. K.}} = V * C_{\text{c.e.}} * [(K_1 + K_2 + K_3 + ... + K_n) - (n-1)] * I_{1} * I_{2} * I_{2} * I_{2} * ... * I_{n}, \text{ by epga:}$$

 $C_{_{\scriptscriptstyle T.~K.}}$ — кучмас мулк объектининг амалдаги нархлардаги тикланиш қиймати;

V — бахоланаётган объектнинг м³ даги хажми;

 $C_{_{\mathrm{c.e.}}}$ — кўчмас мулк объекти қийматининг 2011 йилдаги нархлар асосидаги йириклаштирилган кўрсаткичи;

 K_1 , K_2 , K_3 , ... K_n — тузатув коэффициентлари (капиталлик гурухи, туманнинг сейсмиклик, худудий коэффициент ва х. к.);

п — тузатиш коэффициентларининг микдори;

 $I_{_1},\,I_{_2},\,I_{_3},\,\,\dots\,\,I_{_n}$ — статистика органлари томонидан аниқланган қурилиш материаллари нархларининг қимматлашиш индекслари (келгуси даврларда қайта ҳисоблаш учун қулланади).

Кўчмас мулк объектининг тикланиш қийматини қурилишлар ҳажмига нисбатан йириклаштирилган кўрсаткичлар асосида аниклашда ушбу қийматни майдонга нисбатан ҳисобланишини амалга ошириш зарур. Ҳисоблашлар

тикланиш қийматини стандарт баландликка бўлиш орқали олиб борилади. Стандарт баландлиги микдори белгиланмаган кўчмас мулк объектлари бўйича стандарт баландлик микдори 3 метр микдорида қабул қилинади.

Кўчмас мулк объектининг тикланиш қиймати амалдаги нархлардаги смета киймати асосида баҳолаш объектининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича қурилиш смета қийматига нисбатан смета ҳужжатлари тузилган пайтдан эътиборан қурилиш материаллари нархларининг тегишли қимматлашиш индексларини қўллаш йўли билан аниқланади:

$$\mathbf{C}_{\mathbf{a}, \mathbf{T}, \mathbf{K}} = \mathbf{C}_{\mathbf{c}} * \mathbf{K} * \mathbf{I}_{\mathbf{1}} * \mathbf{I}_{\mathbf{2}} * \mathbf{I}_{\mathbf{3}} * \dots \mathbf{I}_{\mathbf{n}},$$
 бу ерда:

 $C_{_{a.\ T.\ K.}}$ — кўчмас мулк объектининг амалдаги нархлардаги тикланиш қиймати;

 $C_{_{\rm c}}$ — лойиҳа-смета ҳужжатлари буйича кучмас мулк объектининг қурилиш сметаси қиймати;

К — худудий коэффициент (йириклаштирилган курсаткичлар асосида кучмас мулкнинг тикланиш қийматини аниқлашда фойдаланиладиган коэффициент);

 $I_{_1},\,I_{_2},\,I_{_3},\,\dots\,I_{_n}$ — статистика органлари томонидан аниқланган қурилиш материаллари нархларининг қимматлашиш индекслари.

Кўчмас мулкнинг тикланиш қийматига кўчмас мулк тикланиш қийматининг амалдаги нархлардаги 10 фоизи микдоридаги тадбиркорлик фойдаси суммаси қўшилади.

31. Жамланган эскириш қиймати иқтисодий ёш усули билан қуйидаги формула буйича ҳисобланади:

$$\mathbf{9}_{_{\mathbf{x}}}$$
 = (**XË** / **ИХМ**) * **100**, бу ерда:

 $\mathfrak{I}_{\mathfrak{I}}$ — жамланган эскириш;

XE — кучмас мулкнинг хакикий ёши;

ИХМ — иқтисодий хизмати муддати, ўрнатилган нормаларга мувофик.

Бунда жамланган эскириш курсаткичи 40 фоиздан ошмаслиги лозим. Хисоб курсаткичи 40 фоиздан ошган холларда жамланган эскириш 40 фоизмикдорида қабул қилинади.

- 32. Кучмас мулк объектларини ялпи бахолашда жамланган эскириш бир нечта диапазонда аникланади:
 - 10 фоизгача (шу жумладан);
 - 10 фоиздан 20 фоизгача (шу жумладан);
 - 20 фоиздан 30 фоизгача (шу жумладан);
 - 30 фоиздан 40 фоизгача (шу жумладан).

Жамланган эскириш кўрсаткичлари (фоиз ва қиймат ифодасида) бахолаш тўгрисидаги хисоботда тегишли жадвалда келтирилади.

33. Бахолаш объектининг қиймати базавий-индекс усули билан харажат ёндашуви доирасида тикланиш қиймати ва жамланган эскиришнинг



19 (519)-сон — 53 — 211-модда

қиймат курсаткичи уртасидаги фарқ сифатида кейинчалик кучмас мулк объекти 1 квадрат метрининг базавий қийматини ҳисоблаш билан аниқланали.

Кучмас мулк объекти 1 квадрат метрининг қиймати баҳолаш турчисидаги ҳисоботда тегишли жадвалда жамланган эскиришнинг тегишли диапазонларида келтирилади:

	Жамланган эскиришнинг қийматида			
	10 фоизгача	10 фоиздан	20 фоиздан	30 фоиздан
	(шу жумла-	20 фоизгача	30 фоизгача	40 фоизгача
	дан)	(шу жумладан)	(шу жумладан)	(шу жумладан)
Кўчмас мулк объекти				
1 квадрат метрининг харажат				
усули билан аниқланган				
қиймати				

3-§. Қулланилган ёндашувлар доирасида олинган бахолаш натижаларини мувофиклаштириш ва бахолаш объектининг базавий кийматини аниклаш

- 34. Баҳолаш объектининг базавий қиймати турли ёндашувлар билан олинган баҳолаш натижаларини мувофиқлаштириш орқали аниқланган кучмас мулк объектининг 1 квадрат метри қиймати ягона курсаткичи (ягона бирлиги) куринишида ифода этилади. Қиёсий ёндашув билан аниқланган кучмас мулк объектининг 1 квадрат метри қиймати жамланган эскиришнинг барча диапазонларини инобатга олган ҳолда ҳаражат ёндашуви билан аниқланган кучмас мулк объектининг 1 квадрат метри қийматлари билан алоҳида-алоҳида мувофиқлаштирилади (базавий қийматнинг 4 та мувофиқлаштирилган бирлиги келиб чиқади).
- 35. Бахоловчи мувофиклаштиришни ўтказишдан бош тортишга ҳақли ва баҳолаш объектининг базавий қиймати сифатида баҳолаш ёндашувларидан бирининг натижасини тавсия қилиши мумкин. Баҳоловчи мувофиклаштиришдан бош тортганлигини далиллар билан баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботда асослаши лозим.
- 36. Мувофиқлаштириш турли ёндашувлардаги хисоб-китоблар натижаларига тегишли ўлчов коэффициентларини бериш йўли билан амалга оширилади. Ўлчов коэффициентлар микдорлари қуйидаги формулалар бўйича аникланади:

харажат ёндашуви учун:
$$\mathbf{K}_{\mathbf{x}} = \mathbf{C}_{\mathbf{x}} / (\mathbf{C}_{\mathbf{x}} + \mathbf{C}_{\mathbf{x}})$$
 қиёсий ёндашув учун: $\mathbf{K}_{\mathbf{k}} = \mathbf{C}_{\mathbf{k}} / (\mathbf{C}_{\mathbf{x}} + \mathbf{C}_{\mathbf{k}})$, бу ерда:

- ${\rm K_{_x}},~{\rm K_{_k}}$ ёндашувлар натижаларига нисбатан қўлланадиган тегишли ўлчов коэффициентлари;
- $C_{_{x}}$ харажат ёндашуви билан олинган ку́чмас мулк объекти 1 квадрат метрининг қиймати;

- $C_{_{\mbox{\tiny K}}}$ қиёсий ёндашув билан олинган кӱчмас мулк объекти 1 квадрат метрининг қиймати.
- 37. Баҳолаш объектининг базавий қийматининг мувофиқлаштирилган бирлиги турли ёндашувлар билан тегишлича олинган ҳисоб-китоблар натижаларига тегишли ўлчов коэффициентларини қўллангандан кейин ёндашувлар натижаларини қўшиш орқали аниқланади:

$$C = \gamma_{x} * K_{x} + \gamma_{K} * K_{K}$$
, бу ерда:

- C кучмас мулк объекти 1 квадрат метрининг мувофиклаштирилган бирлиги;
- γ_{x} , γ_{κ} бахолаш объекти 1 квадрат метрининг қийматини харажат ва қиёсий ёндашувлар билан хисоблаш натижалари.

Базавий қийматни мувофиқлаштириш ва аниқлаш якунлари жадвал шаклида келтирилади:

	Жамланган эскиришнинг қийматида			
	10 фоизгача (шу жумла-	10 фоиздан 20 фоизгача	20 фоиздан 30 фоизгача	30 фоиздан 40 фоизгача
	дан)	(шу жумладан)	(шу жумладан)	(шу жумладан)
Кўчмас мулк объекти				
1 квадрат метрининг				ļ l
мувофиқлаштиришдан кейин				
базавий қиймати				

38. Базавий қийматнинг мувофиқлаштирилган бирлигига ялпи баҳолаш хатоликларини инобатга олиш мақсадида 0,85 микдорида дисконтлаш коэффициенти (депрессия коэффициенти) қулланади.

V боб. Бахолаш тўгрисидаги хисоботни тузиш

- 39. Баҳоловчининг баҳолаш объектининг базавий қийматига тааллуқли хулосаси йигилган ахборот ва тегишли ҳисоб-китоблар натижаси тасдигидан иборат булган баҳолаш туррисидаги ҳисоботда тақдим этилади.
- 40. Баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни тузишда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш лозим:

баҳолаш тўгрисидаги ҳисобот баҳолаш объекти ҳийматини аниҳлаш учун муҳим бўлган барча ахборотни ўз ичига олиши лозим;

баҳолаш тўгрисидаги ҳисоботда келтирилган, фойдаланилган ёки баҳолашдан ўтказишдаги ҳисоб-китоблар натижасида олинган ахборот тасдиқланган бўлиши лозим;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботнинг мазмуни баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботдан фойдаланувчиларни чалғитмаслиги, шунингдек ҳар ҳил маънода талҳин ҳилинишига йўл ҳўймаслиги лозим;

баҳолаш тўгрисидаги ҳисоботда тақдим қилинган материалларнинг ва баҳолаш жараёни таърифининг таркиби ва кетма-кетлиги қийматнинг ҳисоб-

ланишини такрорлашга ва ўхшаш натижаларга олиб келишга имкон бериши лозим:

бахолаш тўгрисидаги хисобот бахолаш жараёнида фойдаланилмаган ахборотни ўз ичига олмаслиги лозим, агарда бундай ахборотни илова қилиш бахолаш фаолиятини тартибга солувчи қонун хужжатларига мувофиқ мажбурий хисобланмаса.

- 41. Кучмас мулк объектларини баҳолаш тургисидаги ҳисоботнинг тузилиши ҳуйидаги булимлар ва уларнинг ҳисмларидан иборат булиши лозим:
- а) І бўлим «Титул варағи» бахолаш тўгрисидаги хисоботнинг биринчи сахифаси хисобланади ва хужжатни излаш учун зарур бўлган бирламчи ахборот манбаси бўлиб хизмат қилади.

Титул варағида куйидаги маълумотлар келтирилади:

бахоловчи ташкилотнинг номи;

бахолаш тўгрисидаги хисоботнинг руйхат раками;

иш номи;

бахолаш тўгрисидаги хисобот тузилган сана.

Агарда баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот икки ёки ундан ортиқ китобдан иборат бўлса, ҳар бир китоб биринчи китобнинг титул варағига мос келувчи ҳамда ушбу китобга доир маълумотлардан иборат ўзининг титул варағига эга бўлиши лозим. Китобнинг раҳами титул варағига ҳўйилади;

б) II булим «Мундарижа» — барча булимлар, кичик булимлар, бандлар (агар улар номига эга булса), тегишли сахифалари рақамлари курсатилган иловалардан ташкил топади.

Икки ва ундан ортиқ китобдан иборат булган бахолаш туғрисидаги хисоботни тузишда уларнинг хар бирида уз мундарижаси булиши лозим. Бунда биринчи китобда бутун бахолаш туғрисидаги хисоботнинг мундарижаси китоблар рақамлари курсатилган холда жойлаштирилади, кейинги китобларда — фақат тегишли китобнинг мундарижаси булади. Биринчи китобда кейинги китобларнинг мундарижалари урнига фақат уларнинг номини курсатишга йул куйилади;

в) III бўлим «Кузатув хати (умумлаштирувчи қисм)» буюртмачига бахолашни амалга ошириш натижалари хакидаги эркин шаклда (иш услубида) баён этилган хабарни ўз ичига олади. Хатда қуйидагилар кўрсатилади:

бахолашни амалга ошириш учун асос;

бахолаш объектининг номи ва жойлашган манзили;

бажарилган ишларнинг қисқача баёни;

қиймат аниқланган санага қадар булган холатга кура бахолаш объектининг қиймати ҳақида хулоса;

баҳолаш тўгрисидаги ҳисобот қайси қонун ҳужжатларига мувофиқ тайёрланган бўлса, шу ҳужжатларга ҳавола;

кузатув хати бахолаш тўгрисидаги хисоботга асосан тайёрлангани ва факатгина хисоботнинг тўлик матнига боглик равишда, яъни хисоботда қабул килинган барча фаразлар ва чеклашларни хисобга олган холда талкин килиниши мумкинлигига кўрсатма.

Кузатув хати баҳоловчи ташкилотнинг фирма бланкасида расмийлаштирилади, раҳбари томонидан имзоланади ва муҳри билан тасдиқланади;

г) IV бўлим «Қисқартмалар, шартли белгилар, символлар, бирликлар ва атамалар рўйхати» бахолаш тўгрисидаги хисоботда қабул қилинган кам тар-қалган қисқартмалар, шартли белгилар, символлар, бирликлар, специфик (профессионал) атамалардан иборат бўлиб, уларнинг таърифлари кўрсатилган бўлиши.

Агарда қисқартмалар, шартли белгилар, символлар, бирликлар ва атамалар баҳолаш тӱғрисидаги ҳисоботда икки мартадан кам такрорланса, алоҳида рӱйҳат тузилмайди ва бевосита матнда илк эслатишданоқ унинг маъноси очиб берилади;

д) V бўлим «Кириш» асосий фактлар ва хулосаларнинг қисқача баёнидан иборат бўлиши лозим. Бу бўлимга қуйидаги қисмлар киритилган бўлиши лозим:

асосий фактлар ва хулосалар, унда қуйидагилар кўрсатилади:

бахолаш объекти тўгрисидаги умумий ахборот;

баҳолаш тўгрисидаги шартнома номи, рақами ва тузилган санаси, тарафларнинг тўлиқ номи, ваколатли органнинг қарори (хукумат қарорлари, баҳолашни ўтказиш учун асос ҳисобланадиган бошқа ҳужжатлар);

бахолаш тўгрисидаги хисоботда охирги марта ўзгартириш киритилган санага хамда такдим килинган кўринишда расмийлаштирилган хисоботнинг календарь санасига мос келувчи бахолаш тўгрисидаги хисобот тузилган сана;

хисоботнинг тартиб раками;

ушбу Услубий кўрсатмалар талабларига мувофик бўлган ахборотни ўз ичига олиши лозим бўлган бахолаш тўгрисидаги вазифа;

бахолашнинг буюртмачиси тўгрисидаги маълумотлар (номи, юридик манзили);

бахоловчи ташкилот (тўлик номи, юридик манзили, фукаролик жавобгарлигининг суғурталаниши, бахолаш фаолиятини амалга ошириш хукукини берувчи лицензиянинг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати тўғрисидаги маълумотлар) ва бахоловчи ташкилотда мехнат шартномаси асосида ишлайдиган бахоловчи (фамилияси, исми, отасининг исми, бахолашни ўтказиш хукукини тасдикловчи хужжатнинг рақами ва берилган санаси) тўғрисида маълумотлар. Шунингдек, бахолашдан ўтказиш ва бахолаш тўғрисидаги хисоботни тайёрлаш учун жалб қилинадиган ташкилотлар ва мутахассислар тўғрисида, уларнинг бахолаш объектини бахолашдан ўтказишдаги малакаси ва иштирок этиш даражаси кўрсатилган ахборот;

бахолаш натижаларига таъсир курсатган эҳтимоллар ва чекловлар (мавжуд булганда);

e) VI бўлим «Асосий қисм» қуйидаги мажбурий қисмлардан иборат бўлиши лозим:

бахоловчи босқичма-босқич у томондан бажарилган ишларнинг кетма-кетлигини тавсифлайдиган бахолаш жараёнининг босқичлари. Ҳар бир босқичда баҳолаш объектини баҳолаш буйича қилинган ишлар туррисида

умумий маълумотлар (оддий руйхатни келтиришга рухсат берилади) келтирилади. Утказилган тахлил ва килинган хисоб-китобларнинг янада батафсил ёритиб берилиши бахолаш объектининг хусусиятлари, бахолаш вазифаси ва мавжуд ахборот хажмига мувофик куйидаги кисмларда келтирилади:

бахолаш объектининг микдор ва сифат тавсифлари тўгрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи бахолаш объектининг тавсифи.

Бахоловчи томонидан бахолашни ўтказиш учун зарур бўлган ахборотни олиш жараёни бахолаш тўгрисидаги хисоботида хам ахборотни олишнинг аник манбалари, хужжатни аникловчи номи, раками, санаси ва бошка маълумотлари кўрсатилган холда тавсифланади.

Агар буюртмачининг сўралган ахборотни такдим этишдан бош тортганлиги бахолаш натижаларининг аниклиги ва/ёки ишончлилигига жиддий таъсир кўрсатган бўлса, у холда бу холат бахолаш тўгрисидаги хисоботда қайд этилади.

Бахолаш объектининг тавсифи бахолаш тўгрисидаги хисоботдан фойдаланувчида бахоланаётган мулкнинг қадр-қимматига таъсир қиладиган барча жихатларда бахолаш объекти тўгрисидаги объектив тасаввурни шакллантириши лозим.

Бахолаш объекти бозорининг тахлили бахолаш объектига бевосита дахли булмаган, лекин унинг қийматига таъсир қилувчи барча омилларнинг тахлилини уз ичига олиши лозим. Булимда бахолаш объектининг қийматини аниқлашда фойдаланилган барча нархни шакллантирувчи омиллар буйича ахборот ва уларнинг ахамияти асослари такдим этилган булиши лозим.

Бахоловчига, шунингдек бахолаш тўгрисидаги хисоботда барча фойдаланилган қонун хужжатларини акс эттириши лозим.

Бахолаш жараёнининг тавсифи бахолаш тўгрисидаги хисоботдан фойдаланувчига бахолаш жараёнининг мантигини ва бахоловчи томонидан бахолаш объектининг кийматини белгилаш учун кўйилган кадамларининг мухимлигини тушуниш имконини берувчи бахолаш объектининг кийматини аниклашнинг кетма-кетлигидан иборат бўлиши лозим.

Хар бир ёндашув доирасида бахоловчи у томондан килинган барча тахлиллар, хисоб-китоблар, мулохазаларни келтиради. Бахоловчининг қабул килинган ёндашувлар доирасида бахолаш усулларини қуллашдаги хар бир ҳаракати тегишли тарзда асосланган булиши лозим.

Бахолаш тўгрисидаги хисоботда мавжуд бўлган барча ахборот текширила оладиган бўлиши лозим.

Бахолаш тўгрисидаги ҳисобот баҳоловчининг фикрига кўра у томондан баҳолаш объектининг ҳийматини ҳисоблашдаги ҳўлланилган усулни акс эттириши учун муҳим ҳисобланган ҳар ҳандай маълумотларни ҳам ўз ичига олиши мумкин;

ж) VII булим «Хулоса» қуйидаги қисмлардан иборат булиши лозим: баҳолаш объектини мувофиқлаштириш тартиб-таомилининг тавсифи

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2012 й.

келтирилган қолда турли ёндашувларни қуллаш билан олинган бақолаш натижаларини мувофиклаштириш;

ҳар бир ёндашувда олинган натижаларнинг сезиларли фарқлари эҳтимолий фарқлар сабабларига тааллуқли далилий шарҳлар билан баён этилиши лозим.

Бахолаш тўгрисидаги хисоботнинг хулоса қисми сифат тўгрисидаги баёнот — бахоловчининг бахолаш тўгрисидаги хисобот қонун хужжатлари ва фойдаланилаётган бахолаш стандартлари талабларига мувофиклиги тўгрисидаги расмий эълонини ўз ичига олиши лозим;

з) VIII бўлим «Фойдаланилган манбалар рўйхати» бахолаш объектини бахолашдан ўтказишда фойдаланилган, уларнинг олинган манбалари кўрсатилган холдаги маълумотлар рўйхатини ўз ичига олиши лозим.

Бахолаш тўгрисидаги хисоботда фойдаланилаётган адабиётлар ва манбаларга хаволалар хисобот матнида бўлиши лозим, манбаларнинг тўлик номлари кўрсатилган рўйхат эса хисоботнинг алохида бўлимида (иловасида) келтирилади.

Манбалар сирасига қуйидагилар киради: қонунлар ва бошқа нормативхуқуқий ҳужжатлар, маълумотнома ва услубий адабиётлар, услубий тавсиялар, хизматга оид адабиётлар, маълумотлар базаси, Интернет тармогидан олинган маълумотлар ва ҳ. к.;

и) IX бўлим «Иловалар» чоп этилган кўринишда бахолашдан ўтказишда фойдаланилган барча ахборотдан, шунингдек хисоб-китоблар ва хисоб-китоблар жадвалидан иборат бўлиши лозим. Бахолаш тўгрисидаги хисоботнинг иловаларида бошқа ташкилотларга юборилган сўровлар ва бундай сўровларга жавоблар нусхалари мавжуд бўлиши лозим.

Бахолаш тўгрисидаги хисоботга илова килинган барча хужжатлар тегишли тарзда расмийлаштирилган бўлиши (унга ваколатланган шахс томонидан имзоланган ва белгиланган тартибда хужжатларни такдим этувчи органлар ва ташкилотлар томонидан тасдикланган бўлиши, Интернет тармогидан ёки бошка оммавий ахборот воситаларидан олинган ахборот бундан мустасно) лозим.

Хисоб-китоблар қилинишига асос бўлган хужжатларнинг йўқлиги бахолаш тўгрисидаги хисоботни ишончли эмас деб эътироф этиш учун бевосита асос хисобланади.

Бахолаш тўгрисидаги хисоботга иловалар, шунингдек бахоловчи ташкилотнинг лицензияси, бахоловчи томонидан бахолашни ўтказиши учун хукукини тасдикловчи хужжатлар нусхаларини, фукаролик жавобгарлиги суғурта полисининг нусхасини ўз ичига олиши лозим.

Бахолаш тўгрисидаги хисоботда илова хужжатларининг тўлик рўйхати мавжуд бўлиши лозим.

Бахолаш тўгрисидаги хисоботнинг нусхаси бахоловчи ташкилотда бахолаш тўгрисидаги хисобот тузилган санадан бошлаб қонун хужжатларида белгиланган муддат мобайнида сақланиши лозим. 19 (519)-сон — 59 — 211-модда

VI боб. Кучмас мулк объектининг бозор (инвентаризация) кийматини хисоблаш

- 42. Кўчмас мулк объектининг бозор (инвентаризация) қийматини хисоблаш кўчмас мулкка бўлган хукуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органлар томонидан нархни шакллантирувчи омиллардан келиб чиққан ҳолда аналогларнинг нархларига тузатишлар киритишда мультипликатив моделни қўллаш орқали аниқланади.
 - 43. Мультипликатив моделнинг умумий куриниши қуйидагича:

$$V = C * K_{_1} * K_{_2} * ... * K_{_n}$$
, бу ерда:

V — кучмас мулк объектининг бозор (инвентаризация) қиймати;

С — бахолаш хисоботида келтирилган базавий қиймат;

 ${\rm K_1,\ K_2,...K_n}$ — нархни шакллантирувчи омиллардан келиб чиқиб қулланадиган нархни шакллантирувчи коэффициентлар.

44. Баҳолаш объектининг базавий қийматига нисбатан нархни шакллантирувчи коэффициентлар фойдаланилаётган нархни шакллантирувчи омиллардан келиб чиқиб қулланади ва қуйидаги тоифалар билан белгиланади:

минтақа ичидаги иқтисодий зонаси;

қурилган йили;

қаватлик (квартира қайси қаватда жойлашганлиги, нотураржой биноси);

бахолаш объектининг купқаватли уйда жойлашганлиги (уйнинг қисқа ён томони эканлиги ёки қисқа ён томони эмаслиги);

- ер участкасининг ҳажми (якка тартибдаги лойиҳалар буйича қурилган кучмас мулк объектларини баҳолашда фойдаланилади).
- 45. Қулланилаётган ёндашув ва кучмас мулк объектининг турига қараб нархни шакллантирувчи коэффициентлар қуйидаги кетма-кетликда:

намунавий қурилишдаги кўчмас мулк объектини бахолашда: минтақа ичидаги иқтисодий зонаси, қурилган йили, қаватлик (квартира, нотураржой биноси қайси қаватда жойлашганлиги), бахолаш объектининг кўпқаватли уйда жойлашганлиги (уйнинг қисқа ён томони эканлиги ёки қисқа ён томони эмаслиги) коэффициентлари қўлланилади;

якка тартибдаги лойиха буйича қурилган кучмас мулк объектини бахолашда: минтақа ичидаги иқтисодий зонаси, қурилган йили ва ер участкасининг ҳажми (якка тартибдаги лойиҳалар буйича қурилган кучмас мулк объектларини баҳолашда фойдаланилади) коэффициентлари қулланилали

46. Нархни шакллантирувчи омилларга мос келувчи нархни шакллантирувчи коэффициентлар базавий қиймат 1 кв. м нинг ҳар бир курсаткичига нисбатан жамланган эскиришнинг диапазонидан келиб чиқиб қулланилади.

- 47. Якка тартибда қурилган турар жой кўчмас мулк объектлари қийматини бахолашда ёрдамчи максаддаги қурилишларнинг (бостирмалар, уй иссиқхоналари, очиқ ошхоналар, молхоналар, қўйхоналар, енгил конструкциядаги ёрдамчи мақсаддаги бошқа қурилишлар) базавий қийматига нисбатан бундай қурилишларнинг мавжудлигига қараб 0,80 микдорида пасайтириш коэффициенти қўлланади.
- 48. Нархни шакллантирувчи коэффициентларнинг бирликлари ушбу Услубий курсатмаларнинг иловасига мувофик кабул килинади.

«Солиқ солиш мақсадида ялпи бахолаш усуллари билан кўчмас мулк кийматини бахолаш» 12-сон МБМСни кўллаш бўйича Услубий кўрсатмаларга ИЛОВА

Бахолаш объектининг базавий қийматига нисбатан қулланадиган нархни шакллантирувчи КОЭФФИЦИЕНТЛАР

1. Минтақа ичида баҳолаш объекти жойлашған ернинг иқтисодий зонасидан келиб чиқиб нархни шакллантирувчи коэффициентлар.

Тошкент шахридаги объектлар учун қулланадиган коэффициентлар

Кадастр зонаси рақами	Коэффициентлар
1-зона	0,68
2-зона	0,75
3-зона	0,81
4-зона	0,9
5-зона	0,935
6-зона	1
7-зона	1,03
8-зона	1,047
9-зона	1,052
10-зона	1,057
11-зона	1,06
12-зона	1,062
13-зона	1,08
14-зона	1,1

19 (519)-сон — 61 — 211-модда

Вилоятлардаги объектлар учун қулланадиган коэффициентлар

Шаҳар, вилоят	1-зона	2-зона	3-зона	4-зона
Оқтош	0,595	0,483	0,438	
Олмалиқ	0,849	0,763	0,645	0,595
Ангрен	0,849	0,763	0,645	0,595
Андижон	1,000	0,946	0,866	0,823
Асака	0,595	0,483	0,405	
Охангарон	0,595	0,483	0,438	
Бекобод	0,668	0,561	0,483	
Беруний	0,645	0,542	0,465	
Бухоро	0,823	0,746	0,633	0,561
Гиждувон	0,561	0,489	0,405	
Гулистон	0,645	0,542	0,438	
Денов	0,712	0,595	0,535	
Жиззах	0,823	0,746	0,633	0,561
Питнак	0,561	0,483	0,405	
Зарафшон	0,595	0,483	0,438	
Когон	0,561	0,483	0,405	
Қорасув	0,595	0,483	0,405	
Қарши	0,771	0,746	0,633	0,542
Косонсой	0,561	0,483	0,405	
Каттақўрғон	0,668	0,561	0,483	
Қўқон	0,823	0,746	0,633	0,561
Кува	0,595	0,483	0,405	-
Кувасой	0,595	0,483	0,405	
Қўнғирот	0,595	0,483	0,405	
Марғилон	0,645	0,542	0,465	
Навоий	0,823	0,746	0,633	0,561
Наманган	1,000	0,922	0,866	0,823
Нукус	0,823	0,746	0,633	0,561
Самарқанд	1,000	0,946	0,905	0,823
Сирдарё	0,561	0,483	0,379	
Тахиатош	0,668	0,561	0,483	
Термиз	0,746	0,633	0,535	
Тўрткўл	0,561	0,483	0,379	
Урганч	0,823	0,763	0,633	0,561
Ургут	0,595	0,483	0,438	-
Учқудуқ	0,561	0,465	0,379	
Учқўрғон	0,595	0,483	0,405	
Фарғона	0,823	0,746	0,633	0,561
Хаққулобод	0,595	0,483	0,405	-
Хонобод	0,595	0,483	0,405	

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.



211-модда — 62 — 19 (519)-сон

Шахар, вилоят	1-зона	2-зона	3-зона	4-зона
Хива	0,561	0,465	0,405	
Хўжайли	0,645	0,561	0,465	
Чортоқ	0,595	0,535	0,405	
Чимбой	0,595	0,483	0,405	
Чирчиқ	0,849	0,763	0,645	0,595
Чуст	0,595	0,483	0,405	
Шахрисабз	0,712	0,561	0,438	
Шаҳрихон	0,595	0,483	0,405	
Ширин	0,568	0,465	0,391	
Янгиобод	0,595	0,483	0,438	
Янгиер	0,568	0,465	0,391	
Янгийўл	0,595	0,483	0,438	
Қорақалпоғистон	Бошқа	шахарчалар		
Республикаси:				
шимолий зонаси	0,465	0,379	0,304	
марказий зонаси	0,535	0,405	0,366	
жанубий зонаси	0,542	0,465	0,379	
Андижон вилояти	0,595	0,483	0,405	
Бухоро вилояти	0,568	0,465	0,405	
Жиззах вилояти	0,542	0,438	0,379	
Қашқадарё вилояти	0,633	0,535	0,438	
Навоий вилояти	0,568	0,465	0,379	
Наманган вилояти	0,595	0,483	0,405	
Самарқанд вилояти	0,595	0,483	0,438	
Сурхондарё вилояти	0,645	0,542	0,465	
Сирдарё вилояти	0,568	0,465	0,379	
Тошкент вилояти	0,595	0,483	0,438	
Фарғона вилояти	0,568	0,465	0,405	
Хоразм вилояти	0,568	0,465	0,405	
Туман марказ.	- •	надиган шаха пунктлари	рчалар ва қип	илоқ
Қорақалпоғистон				
Республикаси:				
шимолий зонаси	0,379	0,312		
марказий зонаси	0,410	0,350		
жанубий зонаси	0,465	0,379		
Андижон вилояти	0,489	0,410		
Бухоро вилояти	0,465	0,410		
Жиззах вилояти	0,438	0,379		

19 (519)-сон — 63 — 211-модда

Шаҳар, вилоят	1-зона	2-зона	3-зона	4-зона
Қашқадарё вилояти	0,516	0,438		
Навоий вилояти	0,465	0,379		
Наманган вилояти	0,489	0,410		
Самарқанд вилояти	0,489	0,438		
Сурхондарё вилояти	0,542	0,465		
Сирдарё вилояти	0,465	0,379		
Тошкент вилояти	0,489	0,438		
Фарғона вилояти	0,465	0,410		
Хоразм вилояти	0,465	0,410		

2. Асосий иморатнинг қурилган (капитал қайта қурилган) йилига қараб нархни шакллантирувчи коэффициентлар.

Қурилган йили	Коэффициентлар
1960 йилгача	0,95
1960-1990 йй.	1,00
1991 й. ва ундан кейин	1,05

3. Қаватлар сонига (хонадон, нотурар жой қайси қаватда жойлашганлиги) қараб нархни шакллантирувчи коэффициентлар.

Хонадоннинг қайси қаватда жойлашганлиги	Коэффициентлар
1-қават	1,00
2 — 5-қаватлар	0,97
6-қават ва ундан юқори	0,87

4. Купқаватли уйлардаги баҳолаш объектининг жойлашган ерига қараб нархни шакллантирувчи коэффициентлар.

Хонадон уйнинг қайси томонида жойлашганлиги	Коэффициентлар
қисқа ён томони	0,97
қисқа ён томони эмас	1,00

5. Баҳолаш объекти ер участкаси ўлчамига қараб нархни шакллантирувчи коэффициентлар.

Ер участкаси ўлчами, сотих	Коэффициентлар
6 сотихгача	1,000
6 сотихдан (қўшган ҳолда) 10 сотихгача (қўшган	1,104
холда)	
10 сотихдан юқори	1,168

211-212-моддалар

— 64 —

19 (519)-сон

Изох:

- 1. 1 ва 2-бандлардаги коэффициентлар иккала турга (купқаватли уйга хамда якка тартибда қурилган уйларга) нисбатан хам қулланилади.
- 2. З ва 4-бандлардаги коэффициентлар фақат купқаватли уйлардаги (хонадонлардаги) бахолаш объектлари учун қулланилади.
- 3. 5-банддаги коэффициентлар фақат якка тартибда қурилган объектлар учун қулланилади.